

ЧОДАРДОЛАУЗИ

Ўзбекистон болалари
чашириларининг газетаси

№ 4 1 февраль, 1994 йил
(6566) Сотувда эркин нархда.



Чуст туманинага 12-мактабга ўйленигиз тушса, тез-тез баскетбол ўйнаётган ўқувчиларга кўзингиз тушади. "Хўш, шунга нима бўлти, ўйнаша ўйнашар", дейишингиз мумкин. Лекин бир нарсага ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Болалар баскетболни волейбол тўпида ўйнашади. Ҳамма гап ана шунда.

Биз бунинг сабабини ўқувчилардан сўрадик. "Мактабимизда бир йилдан бери баскетбол тўпи йўқ. Ўзимиз эса баскетболни жуда яхши кўрамиз. Гоҳ футбол тўпида, бўлмаса, волейбол тўпида ўз севган ўйнимизни ўйнашга маъбурмиз", деб жавоб қилишиб улар.

Тумандаги ҳар бир мактаб қайсилик спорт туридан моҳирлиги билан ном чиқарган. Фона қишлоғидаги бу мактаб эса баскетболда козонган мудафиятлари билан тилга тушганди. Мактаб баскетбол командаси туман, вилоят мусобақаларида фаол қатнашар,

"Эх, қанийди тўп бўлса..."

ҳатто республика мусобақаларига ҳам даъвогар бўлган пайтлари бўлган. Бугун эса ўқувчилар ўзлари учун севимли бўлган баскетбол ўйнини ўйнашдан маҳрумлар. Шундай экан, энди турли хил мусобақаларда қатнашиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ахвол шундай давом этса, ҳадемай баскетболда анича қўли келишиб қолган болаларнинг ҳам ҳафсалалари пир бўлиши аниқ.

Масалага ойдинлик киритиш учун мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Тўлқинбой Далабоевни сұхбатта тортдик.


— Буни инкор қилмаймиз, — деди Т.Далабоев, — ҳақиқатан ҳам ўқувчиларимиз бир йилдан бери баскетбол тўпини кўлга ушлаганлари йўқ. Сабаби аён. Тўп йўқ. Баскетбол тўпининг йўқлиги фақат бизнинг мактабга хос камчилик эмас. Нафқат тумандаги, балки вилоятдаги жуда кўп мактабларда ҳам йўқ. Ўзимиз ҳам ҳаракат қилдик. Бошقا мактаблардан сурнштирдик, ҳатто институтда ишлайдиган дўстларимиздан ҳам илтимос қилдик, лекин улар ҳам иложини қилиб беришолмади. Бошقا спорт ажномалари бор, аммо баскетбол тўпи йўқ.

Жисмоний тарбия ўқитувчининг гапларидан кўринни турбиди, улар ҳам кўл қовуштириб ўтирганлар йўқ. Бу фақат шо мактабга тегишли камчилик бўлганди, уларни айблаш мумкин эди.

Маколага нуқта кўйиндан олдин мутасадди ташкилотларга бир савол билан мурожаат қилимочимиз: хўш нима қилиш керак? Баскетбол тўпи топиш бугунги кунда мумъом деб ўтираверган билан иш битиб қолармакни? Тўғри, баскетбол тўпи ўзимизда ишлаб чиқилмайди, дейишади. Лекин бугунги кунда қўйини қаерга узатса етадиган корхона-ю ташкилотлар оз эмас. Шулардан биронтанси ҳомийликка кўндиришса, бу муаммони, ҳал қилиш мумкин-ку! Бундай савоб ишларни қилаётгандар бугунги кунда сон-саноқсиз.

Одатда баскетбол ҳақида гап кетаркан, мутахассислар спортивнинг бу турнирнаманнинг тез-тез таъвидлашади. Агар ахвол бугунгидай кетаверса, спорт мутахассисларининг фикри ҳам ўзгармаслиги аниқ.

Х. МИРЗААҲМЕДОВ.



Ўзбекистон Республикаи Ҷумҳурияти
Даъвогарнига ўқувчиларнига
даъвогарнига ўқувчиларнига

Ўзбекистон Республикаи Ҷумҳурияти
Даъвогарнига ўқувчиларнига
даъвогарнига ўқувчиларнига

Ташқаридан қарашади. Абдулла ака лицеининг ўқитиши
комбинати эди. Бугун ҳам бу ерда
ушбу комбинатнинг маълум бир
цехлари қолган. Ташқари кўриниши
ёлғон фикр ўйготадиган бу маскандага
кatta ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳа, болаларни ўқитиши, уларнинг
иттидорилари учун янада яхши
шароитлар яратиб бериш — бу буюк
иш. Бугунги кунда Республикада
ягона бўлган шарқ тиллари лицеида
ана шундай улкан ишлар амалга
ошириляпти...

— Ўзбекистон Ҳалқ таълими
вазирлигининг кўп ҳаракатлари билан
1992-93- ўқув йилида шарқ тиллари
лицеий фаoliyati кўrsata бошлади, —
дэйди лицеий директори Абдулла ака
Рахматуллаев. — Ўша ўқув йилида 8-
9-, 10-синфлар учун тест
синовларини ўтказиб, ўқувчилар
қабул қилдик. Бугун лицеида 400
нафарга яқин ўқувчи таълим оляти.
Улар ўрга таълим мактаблари

даъвогарнига ўқувчиларнига
даъвогарнига ўқувчиларнига

даъвогарни

(Давоми. Башланиши
1-бетда).

Биринчи бор ўтказиладиган тадбирларнинг барчасида ўзига яраша ютуги ҳам, хатоликлари ҳам бўлади. Шунинг учун болаларнинг баъзи ишлардан кўнгиллари тўлмаган бўлса ҳам, умуман конкурсда иштирок этишганидан хурсандлар. "Билмаганларимизни билиб олдик", дейишди улар.

Ўкувчиларнинг келажакларини кўз олдимишга келтирдик "Тил билган — эл билади", дейди халқимиз. Шундай экан, бу билим масканинг талаб ва

Хурматли "Тонг юлдизи" таҳририяти!

Сизларга ҳат ўйллашимнинг боиси ўзимни қизиқтирган бир нарсани билмоқчиман. Орзуга айб ўйқ, дейшиади. Мен келажакда дипломат бўлмоқчи эдим. Бироқ бу ноёб касбни қандай эгаллаш мумкин? Мустақил юртимиз тарихида у қандай роль ўйнаган? Тошкенит шаҳрида дипломатлар тайёрловчи олий ўкув юрти бор, деб эшидим. Аммо бу билим даргоҳига кириш учун қандай синовлардан ўтиш керак ва бошқа талаблар ҳақида билмоқчиман. Мутахассисларни топиб, булар ҳақида зарур маълумотлар бершишларнингизни илтимос қиласан. Салом билан

Акрам УМАРАЛИЕВ.
Наманган вилояти, Чортот туманинаги
19-мактабнинг 7-“Б” синф ўқувчиси.

УЛУФБЕК ИЗДОШЛАРИ

синовларига дош бериб, ўқицни тутатгандарнинг йўли очиқ. Улар келажакда нафакат тилшунос балки иқтисодчи, бизнесчи бўлиш имконига ҳам эгалар. Таълим дастурига киритилган "Бизнес ва тадбиркорлик", "Бухгалтерлик ҳисоби" фанлари бу ишда уларга кўл келиши табиий. Шу сабабданми, болалар бу фанларни жуда қизиқиши билан ўрганишмоқда.

Ўтган бир неча ўкув йиллар давомида республикамида бир қанча лицейлар ташкил этилди. Бугун уларда олиб борилаётган ишлар мақтогва лойик. Ёшларнинг ҳам бундай билим масканинг қизиқиши кучайиб бормоқда. Шу сабабдан узоқ масофа, оиладан ўроқликка қарамасдан улар

бошқа шаҳарларда ташкил этилган лицейларда таълим олишяпти. Шарқ тиллари лицейи республикада ягона дедик. Бундай билим даргоҳига ўқишига кириши эса нафакат пойтахтлик, балки бошқа вилоятлардаги болалар ҳам

исташади. Аммо уларни қабул қилишига бугун лицейнинг имкони чегараланганд. Ёткхона йўқ. Хайрия ишларига кенг йўл очган, савобтабал ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Ўйлаймизки, ана шундай корхона ва ташкилотларнинг, Халқ таълими вазирлигининг кўмаги билан бу муаммо ҳам ҳал этилиб, юртимизни келажак равнаки учун иштиёқ билан таълим олаётган болалар сони янада ортади.

Ташқаридан қараганда кўримсизгина турган бинонинг ичиде улкан ишлар амалга оширияпти, деб адашмаганлигимга ишонгандирсизлар.

Д. ТУРАХМЕТОВА.
Тошкент шаҳри.

Дикқат: катта йўлда болалар!

Кишининг ёгин-сочини келиши болаларнинг жонини киритди. Тўғрида, ҳар йил қишида ҳам мана шундай кор кўп ёғавермайди. Болалар мирикиб чана, коньки учганларни кам хотирлашида. Бу йил эса уларнинг орзулари чинакамига ушади. Ноёнбр ойидан ёга бошлаган кор чилла тутай деб қолганида қарамай ёғиб турибди.

Аммо болаларни кунвонираётган бу киши Давлат автомобиль назорати ходимлари, шифокорларга бирор ташвиш ҳам келтироқмода. Гапимизнинг асосли бўлиши учун куйидаги ракамларга ўтиборингизни қаратмоқчимиз. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 2153 нафари йўлда содир этилган

КОРНИНГ ЗАВКИ ЎЗГАЧА-Ю...

фожиаларда ҳалок бўлиши. Бундан ташқари йил давомида 12628 йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлса, уларда 13763 нафар киши тан жароҳати олган. Бу ражамлар, албатта, 1992 йилга нисбатан, 16,6 фоизга қискарсан бўлса да, аммо уларнинг ҳар бири ортида инсон хаётни турганлигини ўтиборга оладиган бўлса, бу сонлар ҳам кишини хаяжонга солади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, бу йўл ҳаракати фожиаларида болалар травматизми ортиб бормоқда. Юқорида келтириб ўтилган йўл-транспорт ҳодисаларининг 80 фоизида болалар пиедалар сифатида, 14 фоизида транспорт йўловчилари сифатида ва 6 фоизида велосипед еки мотед хайловчилари сифатида иштирок этиб, тан жароҳати олганлар. Уларнинг деярли ярмидан кўп 7 ўшга тўлмаган болалардир.

Ўш, бу фожиаларнинг асосий айборлари ким? Кўпгина ҳалқатлар машина ҳайловчиларининг ўтиборсизлиги туфайли содир этилган бўлса, пиделарнинг, айниса, болаларнинг шошма-шошарлик, ўтиборсизлик

билан йўлни кесиб ўтишлари, ман этилган жойлардан юришлари, йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари туфайли содир этилгандир. Еки сиз, катталар, айтинг-чи, кор ёга бошлагандан буен маҳаллангиздаги еки ўйларнинг атрофидаги катта йўлларда болаларнинг килаёттан тартибсизликларини кўрмаяпсизми? Улар гизиллаб ўтиб бораётган, ҳар дакикада гидравликлари тойиб кетиши мумкин бўлган йўлларда ҳеч кўрқмай чана учишмокда. Ўтиб бораётган ҳар кандай машиналарнинг орқасига осилиб.



"учишяпти". Йўл-транспорт ҳодисаларида болаларнинг кўпроқ жароҳатланиши ана шуларнинг оқибатидир.


Республикамиз ахолисининг деярли ярми 16 ёшгача бўлган болалардир. Шунинг учун ҳам биз бугун сиз азиз болалардан йўл-транспортни бахтсиз ҳодисаларига тушшиб қолмасликларнинг учун жуда эхиёт бўлишларнинг сўраймиз. Ота-оналар, ўтибувлардан ҳам болаларнинг йўл екасида ўйнамасликлари, машиналар ортига осилмасликларини назорат қилиб боришлиарни илтимос қиласан. Бугун бир-биримизга бўлган ўтибор инсонлар ҳаётини саклаб қолиши мумкинлигини унутмайлик.

М. ТАТАРНИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ичкӣ ишлар вазирлигининг
ДАН Башқармаси катта
инспектори, милиция
подполковники.

Xалқаро муомаладаги "дипломатия", "дипломат" сўзлари бизда элчилик, элчи сўзлари маъносида мос келади. Ҳўш, элчилик, элчи-нинг вазифалари нимадан иборат? Дипломатия — давлатнинг ташкил вазифаларини тинч йўл билан амалга ошириш восита ва усуулларининг маъмутидир. Бунда, албатта, иккى давлатнинг манбаатлари хисоб олинган ҳолда нозик бир аклий мушоҳада, ҳаракатлар билан фаолият кўрсатилиди. Натижা ўлароқ, мамлакатлар ўргасида иқтисодий сиёсий, маданий алоқалар ўрнатилиди. Бу алоқалар ёки ҳамкорликнинг кучайиши ёхуд акси кўп жиҳатдан давлатларнинг кейинчалик ҳам олиб борган дипломатик муносабатларига боғлиқ бўлади.

Дипломат чет мамлакатда ўз давлат номидан иш кўриш ваколати берилган лавозимли кишидир. Ҳалқаро нормаларга кўра, унинг хорижда эмин-эркин яшища, дахлисизлиги таъминланган бўлади. Бу қадимдан қолган бир наклда мухтасаргина ифодаланган: "Элчига ўлим йўқ". Чунки иккى мамлакат ўргасида ҳолат энг ёмон нуктада бўлганда ҳам ҳукмдорлар ўз гапи, талаб ва илтимосларини элчи орқали иккичисига етказганлар.

Оврупо тархи билимдонлари дипломатия қадимдан мавжуд бўлганлигини қайд этсаларда, ҳақиқий дипломатия давлат вужудга келиши билан бирга XV аср ўрталарида чет элларда ваколатхоналар бўлганлиги, XVII асрдан бошлаб



кўрсатиш, чет давлатлар билан унинг номидан иш кўриш ҳамкорлик қилиш вазифаларини олиб борувчи етук билимдон шахсларни ўқитиб, тайёрловчи бундай илм маскани керак-да.

Республикамиз президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 26 сентябрдаги Фармони билан дорилфунунимиз таъсис этилди ва уни ташкил этишга тезлиқи кишилди. Ва ниҳоят 1993 йилнинг 1 февралидан ўқув жараёнлари бошланди. Ўқитувчилар ва талабалар жамоаси ташкил топди. Ҳозирги пайтда дорилфунунда 520 нафар толиб ва толибалар замонавий дипломатия, тадбиркорлик,

СЕЙ ДИПЛОМАТ БҮЛМОҚЧИМАН

дипломатик анжуманлар ўтказила бошланганилиги, дипломатия сўзи ҳам ҳозирги маъносида XVIII асрдан бошлаб киритилганлиги фактларини көлтиришида.

Аммо Шарқда, бизнинг ватандаги дипломатия тархи манбаларда кўрсатилишича яна ҳам қадимий ва бойдир. Бунга Массагет ерини ўзиники қилишга уринган Эрон шохи Кир элчиларига 530 йил (милоддан олдинги) муносиб жавоб қайтарган Тўмарис момомиз ёхуд Сирдарё этакларида яшаган аждодларимиз — Шаҳ қабиласи чўпони Широқ гўё элчиде Доронинг кўшинини (милоддан олдинги 522-21 йили) саҳрга адаштириб, улкан хавфни бир ўзи даф этгани бу элда дипломатия қанчалик чукур ва кўхна илдизга эгалигини кўрсатади. Бироқ ўз ватанига ҳиёнат қилиган нонкўрлар ҳам бўлганлигини билиб қўйсангиз зарар қилмайди. Асли мовароунахрлик бўлган саводогар Махмуд яловоч (элчи дегани) мўгул босқини олдидан Мухаммад Хоразмшоҳни бўйсунишга чорлаб, Чинизхоннинг элчиси бўлиб келган.

Бизнинг юртда дипломатия айниқса, Темур, Шайбонийхон, Абдуллахон даврида жуда ривож топган. Темурнинг элчилари дунёнинг жуда кўп жойларida бўлиб, Буюк ишларда савдо-карбонларининг мунтазам, тинч катнаши, савдо-сотикнинг гуллаши, ўлкаларнинг яшнашига муввафак бўлган. Миркаим Осимнинг ёзишича, Абдуллахон (Бухоро хони, Шайбонийхон наслидан) элчиси Мухаммад Али 1589 йилнинг 18 февралидан Москвага етиб, Россия билан илк дипломатик алоқаларни ўрнатган. Нарсаларни айрబошлаб, ўзаро савдо қилиб туриши таклиф этган. Ёхуд XVIII асрда Бухородан чиқкан етук сиёсий арбоб, дипломат Эрназарбек нозик дипломатлиги билан Екатерина ІІнинг илтифотига сазовор бўлган. Мозийдан бу каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Аммо Шўро замонасида қафасдаги күш ҳолатида сакланган, чет давлатлар ила алоқа қилиш у ёқда турсин бориб-келиши қарийб таъкид қилиб ўтишларни сабабли ҳалкимиз орасидан жуда кам кишилар дипломат, яъни элчи бўлиш даражасига эришган. Фикримизни етмиш йил давомида ўзбеклардан 7 нафаригина хорижда элчilik лавозимида ишлагани ҳам тасдиклиди. Шукурки, бошимиз узра истиқол куёши баланди. Мустақил юртда ҳорижий мамлакатлар билан алоқаси ва ҳамкорлигини дипломатиясиз тасаввур қилиш кийин. Зоро, чет мамлакатлар билан ҳар соҳада тенг бўлишими учун ҳам дипломатиямизни юқори даражага, санъат даражасига кўтаришишимиз керак. Колаверса, дипломатликка ишчи тушган Акромжоннинг хати бизни яқинда ташкил бўлган Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро дипломатия етаклади.

Бу ерда бизни қизиқтирган саволларга тарих, фалсафа ва маданиятшунослик масалалари дастури раҳбарӣ, фалсафа фанлари доктори Кўчкор ака ШОНАЗАРОВ жавоб берди.

иктисодий алоқалар, ҳалқаро ҳукуқ, ҳалқаро муносабатлар, менежментлик каби бир қанча соҳаларни пухта ўрганмоқдалар. Дорилфунунда замон талабларидан келиб чиқиб тўртта кулиёт ташкил қилинган: ҳалқаро ҳукуқ, ҳалқаро муносабатлар, ҳалқаро иқтисодий муносабатлар ва ҳалқаро журналистика.

— Мени бир маълумотингиз анча ҳайрон қолдирди. Сизларда таълим олаётган талабалар сони мингга ҳам етмас экан. Нима, юқорида саналган соҳаларни эгаллашга қизиқувчилар камми ёки дорилфунунга киришда уларга жуда юқори талаблар кўйилади?

— Очиги, дорилфунунга қабул қилишда хавасмандларнинг фақат билимига қаралди. Бунда ҳеч қандай ошна-огайнагарчилик ёки таниш-билишиллиг иш бермайди. Барча савол-жавоб компютерни қандай ишлатиш кўрсатиб берилади). Ва абитурент жавобларни бериб бўлиши билан экранда билимнинг баҳоси чиқади. Бу талабга кониқарли жавоб бергандарига дорилфунунга қабул • қилинади. Масалан, ўтган йили ҳалқаро журналистика кулиётiga бор-йўғи 6 нафар абитурент толибишка қабул килинди, холос.

— Ҳар ким ўз соҳасига доир фанлардан имтиҳон топшириши турган гап. Аммо жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия дорилфунунга киричиларга бундан ташқари ҳам талаб ва синовлар бўладими?

— Бу саволни берганингиз жуда ўринли бўлди. Дорилфунунимизга кириб ўқиши истаган йигит-қизлар шуни яхши билсинглар, мактабда ҳамма фанларни аълого, жуда бўлмаса яхши ўзлаштиришга эришган, дунёқарашлари, фикрларни топгандарни кеч бўлиши керак. Негаки, етуклик гувоҳномасида "З" баҳоси бўлган битирувчиларнинг ҳужжатлари дорилфунунимизга қабул қилинмайди. Яна бир маълумот. Дорилфунунга қабул қилинада абитурентнинг тил билишига алоҳида ўтибор берилади. Мактабида қайси чет тилини ўрганган бўлса, ўшандан имтиҳонга қирмасдан оддин инглиз тилида суҳбатдан ўтишлари лозим.

— Бўлажак дипломатларга истакларингиз? — Улар ҳар қандай шароитда ҳам она ўзбекистоннинг муносиб

Чол ота уни ҳеч қачон урмаган, ҳатто ҳеч вақт раъйини ҳам қайтармаган, лекин қаттиқроқ уришиб берганд, у жимиб қолади, бурнини дамбадам тортқилайди, мижжалари тўлиб, ийғлагиси келади. Бироқ, чол ота уни яхши кўради. "Кўнгли нозик одамлардан қандай мусаввир чиқиши мумкин? Ёки уларнинг ҳаммаси сенга ўхшаган бўладими?" дейди. У индамай тураверади. Чол ота ҳар доим уни ўзи билан бирга олиб



юради, дилтортар ҳамсуҳбатлари даврасида уни ошириб мақтайди: "Ҳали кўрасизлар бундан катта мусаввир чиқади, ҳаммамизни қофозга солади, расм бўламиз, расм". "Йўғ-э, — дейди ҳамсуҳбатлари, сўнг ҳазиллашиб, — шу боладан-а? Ёзувчиизувдан хабари борми, ўзи?" Чол ота ҳам бўш келмайди: "Иккинчиди ўқиса ҳам ўнинчи



синф боласининг ақли бор. Моний ким бўлибди унинг олдида?" Чол ота чопонининг ички томонига тикилган чўнтағидан арчила-арчила ниҳоялаб қолган қаламини олиб унга беради ва "Ултириб қўйма" деган ишора билан бош иргайди. У бир варақча чол отасининг расмини чиза

отаси ўйғотган. Устози расм ўқитувчиси Пўлат Ёқубов. Ўзининг айтишича, дарсхонасида эртак китобларнинг саноғи йўқ. Абдулла Қодирининг "Ўтган кунлар" романини тақрортақор ўқиган. Камтар ва камгар. Ёлғизликни, хаёлпарастликни ёқтиради. Буларни касб санайди.

— Собиржон, чол ота ҳақидаги хотиротда кўнглингнинг нозиклигини билдик. Шунга ойдинлик кирицсак, нима дейсан?

— Ижодкор ҳалқининг кўнглидек нозик кўнгил бўлмаса керак. Негаки, улар



бўлди, яъни хаёлдаги тасвир қофозга туширилди. Тугаллик эса эртанинг иши. Шундай эмасми?

ҳам катта бўлса керак" деб ўйлади у, лекин юрак ютиб чол отасидан сўрашга ботина олмайди, биладики, чол ота уришиб беради. "Ўша воқеалар ёйнгдан чиқдими?" дейди.

Бундан уч ой олдин эди, у ёшагининг ёшини билиш ниятида тишини санамоқчи бўлган,

ЁЛҒИЗЛИК – КЎНГИЛНИНГ ҲУРЛИГИ

бошлайди. Тугатгач, даврадагиларга бир-бир кўрсатади. Даврадагилар: "Ўхшабди, ҳа, жуда ўхшабди. Бўладиган бола-да, бўладиган" деди уни янада мақташади. У ишини тугатгач, чол отасининг чўқади, кейинги фармонини кутади...

Танишинг: Собиржон САИДАҲМЕДОВ. 1982 йилнинг 15 июлида туғилган. Тошкент вилояти, Паркент шаҳридаги Ҳ.Олимжон номли 1-мактабининг 6-“А” синфида ўқиётди. Мусаввирликка ҳавасни чол

ёлғизликни яхши кўришади. Ёлғизлик – кўнгилнинг ҳурлиги. Сабаб йўқки, у ҳар бўлмаса, сўзлашув йўқки, гар унга озор етса. Бу ҳолатлар ўзимдан қиёс.

— Расм қай вақт чизилади! Демоқчиманки, аввало хаёлда яратиладими!..

— Аввало, эртак китоб ўқилади, ўқиш баробарида оқ қофозда чизгилар пайдо бўлаверади, сўнг ойдин тун бўлади, сукунат, чироқ шуълаларида бир одам ўтиради, хаёллари бу заминдан бегона, ишонмасангиз, худди шу лаҳза ундан сўраб кўрингчи, қаерларда ва қайси эртак қаҳрамонининг советини кийиб юрган экан... Ахир шеър ҳам ўз-ўзича ёзилмайди, илкида, дард остида яшалади.

Тонг отарда стол устида расм туради, яратувчи унга тикилиб ўйлади: "Ҳали тугал эмас, яна озроқ сайқал бериш керак".

— Менимча, асосий иш

— Тўғри.
— Собиржон, сен яна қанақа мавзуларда расм чизасан?

— Табиат, қушлар, гуллар ҳақида.

— Фасллардан қай бирини яхши кўрасан?

— Албатта, баҳорни, сал-пал кузни.

— Нега энди сал-пал?

— Негаки, бу фаслда ўзимни ўзим тушунолмайман, кайфиятим ҳамиша тушкун бўлади. Ҳатто, бу холу руҳиятим расмларимга ҳам кўчади – бир чизик, бир ранг камдек туолаверади.

— Нимадан қўрқасан?

У ўрнидан туриб, менга кўлини кўрсатди – чандик. Чандик тафсилоти эса мен ёзганчалик: уларнинг сурэзаги бор, бу жонивор унинг кўзига чол отасидан ҳам қарироқ кўринади, "Отамдан




эшитган: тиш саналса, ёш маълум бўлармиш. Жонивор билиб-билимай унинг қўлини тишлаб олган (ҳазил).

— Келажак ниятларинг?
— Чори Латифдек мусаввир бўлиш.

— "Холис ниятдан ҳосил унгай" дейдилар.

— Раҳмат.

Шакар СУННАТОВ.



Алла-ё, алла....

Даврон АҲМАД туширган сурат.

1000 СҮМЛИК АЖОЙИБ СОВФА

Газета орқали табрик эълон қилиш нархи яна ошди. Бу, айтишгагина осон. Кўпчилигингиз, нарх-наво кундан-кун ошиб бораётган бир пайтда шу ҳам бормиди, деётгандирсиз?! Сиз ҳақсиз! Лекин на илож, ўша сиз айтиётган нарх-навонинг жиловини биз ҳам тутолмаямиз. Ўзингиздан қолар гап йўқ, қозоз, нашриёт, почта хизмати нархлари ҳам кундан-кунга ошиб боряпти. Айнан шу жиҳатлардан келиб чиқиб, биз ҳам газета орқали табрик эълон қилиш учун тўланадиган пул миқдорини 1000 сўм қилиб белгилашга қарор қилдик.

Бир йилда бир маротаба нишонланадиган фарзандлари тутилган кунда 1000 сўм пулини аямай, ўтилқизларига бир олам қувонч бахш этадиган ота-оналар топилади, деган умидда манзилгоҳимизни яна бир бор эслатиб

ўтишни лозим топдик.

Манзилгоҳимиз: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МЕТРОНИНГ АМИР ТЕМУР ҲИЁБОНИ БЕКАТИ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Мұҳаррирятимизга келишининг имкони бўлмаса, почта орқали "Тонг юлдузи"нинг куйидаги ҳисоб рақамига 1000 сўм миқдорида пул ўтказилганини ҳақидаги квитанция, оқ-қора тасвирдаги, сифатли 1 дона сурат ҳамда яқинларингизга аталган дил сўларингизни 1 ой олдин езиб юборсангиз, кифоя.

БИЗНИНГ РЕКВЕЗИТ:
ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИННИГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ, ҲИСОБ РАҚАМИ: 000363106, КОД: 172682328, КОРР. СЧЁТ 300166428, АЛОҚА УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 33-44-25, 33-49-45..

ШОИРЛАР — БОЛАЛАРГА



Туроб НИЁЗ
ВЕЛОСИПЕДДАН
ИЙЦИЛГАН
БОЛА.

Бир бор ҳам “воҳ” демай ўрнидан турди,
Бариги кўйига оққан шалола —
Бола велосипед томон югури.
Бардошинг бор экан, укам, ҳар қалай,
Баъзиларга ўхшаб иолини этмадинг.
Ўз дўстидан салга кечган номарддай
Велосипедингни ташлаб кетмадинг.

ДЎСТЛИК РУБОИЙЛАРИ

I

Елгизлик азалдан инсоннинг ёви,
Чунки у умринг занги, эгови.
Ёнингда ҳамроҳинг бўлса бошқа гап,
Қалбингни илттар дўстлик олови.

II

Ёвнинг биттаси ҳам кўплик қилимиш.
Пайт пойлаб тиг билан кўксинг тилармиш.
Дўстнинг мингтаси ҳам бўлар эмиш кам,
Бирори камайса кўнгил йиглармиш.

III

“Бойлигим йўқ”, дей ғам чекма кўнгил,
Бекорга эзилиб, ёш тўкма кўнгил.
Ахир атрофингда қанча дўстлар бор,
Ўшалар бойлигинг: ҳеч чўкма кўнгил.

IV
Битмаган или битар дўстлар
қўлласа,
Бошдан ташвииш кетар дўстлар
қўлласа.
Умринг фасллари ҳамиша ёзмас,
Ўтмаган қини ўтар дўстлар қўлласа.

V
Хисобли дўст бўлса, айрилмас сира,
Шубҳа, гумонларга берилмас сира.
“Сен мендан қарздор, бурчисан”
дэя,
Гурунгларда ёғон керилмас сира.

VI
Дўстлик тилда эмас, дилда
яшайди,
Таъма нелигини билмай яшайди.
Зарра хиёнатни кечирмайди у,
Олчоқларга шафқат қилмай
яшайди.

VII
Қозоқ, қирғиз, туркман, тожигу
ўзбек
Узукка қўйилган гавҳари қўзек
Бир заминда яшар кўзни қувватиги,
Гуноҳга ботасан, бўлсанг бузгудек...

VIII
Дунёда содиқ дўст топмадим дема,
Манзилга стади интилса кема.
Ўзинг содиқ бўлмай туриб эй
кўнгил,
Содиқ дўст ахтариб, бўлма
хомтама.

IX
Энг баҳтиёр одам дўсти кўп одам,
Бахт, омад ёр одам дўсти кўп одам.
Эртакдаги марддай сингилмас
мутлоқ,
Шон, зафар ёр одам дўсти кўп
одам.

ДЎППИ

Дўппининг фазилати
Биласанми, жуда кўп.
Боли кийимлар ичиди
Энг сараси — тенгти йўқ.
Бошин иссиқ-совуқдан
Асрар турар бирдайин.
Нолимайди соглиқдан
Кимки кийса тинмайин.
Олис юртларда агар
Кийиб юрсанг дўппини,
Билишади муқаррар
Сенинг ўзбеклигингни.
Дўппининг хиллари кўп:
Кўкен дўппи, Чуст дўппи...
Кийишингдан олдин ўп —
Табаррук, чин дўст дўппи.

Тонгда руҳсиз кўз очаман...
А. ОРИФ.

I

Тобут чайқалиб-чайқалиб кетяпти, қадоқ қўллар, қадоқ елкалар туттан уни. Уларга ҳайрон боқаман, қизиқ туюлади ортидан югураман. Қарайманки, тобут бўм-бўш, устига оқ ёпилган. Баногоҳ кўча четидаги тиланчига кўзим тушди. У шундай ҳолсиз эдики, ҳатто қўлларини ҳам кўтара олмасди. Унинг дили ҳамма учун қоронгу эди, лекин тили одамларга эзгулик тиларди. Бу тилакда ҳеч миннат сезилмасди. Чунки у Она эди, муштипар эди, меҳриён эди. Тобуткашлар унинг олдига тобутни қўйиши. Тиланчи кампирингни юзи аллақандай ярқ этиб кеттандай бўлди ва узундан-узоқ дуо қила кетди. Мен ҳам фотиҳа учун қўлимни юзимга тортган эдим, тобут қарсилаб синди...

Кўзимни очганимда ташқарида пага-пага қор ёғар эди. Этнинг жунжиктирувчи совуқлик хонани ҳам эгаллаган, ўрнимдан тургим келмасди. Ҳар куни шу аҳвол. Нечун мени фақат тушлар уйғотади?..

Бутун ҳам мактабга кечикдим. Яна муаллимдан дакки эшитаман. Яна мени тургизиб қўяди. Яна жўраларим олдида изза бўламан. Яна, яна, яна... ҳаммаси таракорланади. Яна мени ҳеч ким тушунмайди. Йўқ тушунмаса яхши-ку, тушунишни

МЕН ВА ДЎСТИМ ҚИЗГАЛДОК

Баҳор келса боғларга,
Маскан бўлар кир ўтлок.
Бахмал адр устини
Қоплаб олар қизгалдок.

Қайда гул-чечак бўлса,
Ўша ерда пайдомиз.
Ҳатто бола бўлсак ҳам,
Гўзалика шайдомиз.

Чунки улар ўхшашлар,
Болаларга, бизларга.
Алвон бантик тақиб олган,
Жажжи, ширин қизларга.

Вилоят ОТАХЎЖАЕВА,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани,
Каттатагоб қишлоғидаги 37-мактаб.

СЕН ҚАДИМ ТУРОНСАН,
ЎЗБЕКИСТОНСАН!

Жаннатмакон боғларинг,
Зилол, тиниқ сувларинг,
Гўзал, сулув қизларинг,
Ям-яшил яйловларинг,
Осмон ўпар тогларинг,
Мафтун этар ўзига.
Сен қадим Туронсан, Ўзбекистонсан!
Меҳмон келса уйингта,
Багрингни кенг очасан.
Топган-тутгандарингни
Дастурхонга тўқасан,
Сен қадим Туронсан, Ўзбекистонсан!
Алишер кўлига туттандан қалам

Бобуринг дилини ёндирап алам.
Нодира газалида кўрдим фирок, гам,
Шоирлар номини ёдга ол, ҳар дам,
Сен қадим Туронсан, Ўзбекистонсан!

Дилафрўз НУРИДДИНОВА,
Сурхондарё вилояти, Шўрчи шаҳридаги
36-мактабининг 7-“В” синф ўқувчиси.

ШЕЪРИЯТ

Ниҳоят, мен сени қидирдим, топдим,
Ва телба дунёда югурдим, чопдим.
Бамисли ойни ҳам эртак-ла ёпдим,
Энди менга ҳамроҳ бўлгин, шеърият.
Ошиқлар жонига оро кирган сен,
Юракда қон бўлиб ураётган сен,
Шоирнинг шонига сабаб бўлган сен,
Энди менга ҳамроҳ бўлгин, шеърият.

Мавжуда АБДУЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани,
Чучук қишлоғидаги 19-мактаб ўқувчиси.

БИР СЎЗ БОР

Донолардан қолган бир сўз бор,
Дунё борки, у сўз ийқолмас.
Тан яраси битади лекин
Қалб яраси сира ҳам битмас.

Шундай экан, азиз одамлар
Инсон қалбин яра этмайлик.
Ул кишининг қаргиши билан
Бу дунёдан бир кам ўтмайлик.

Жаҳонир
ФОЗИЛОВ,
Фарғона вилояти,
Бағдод тумани.

— Саломингни
пишириб е, бор
дарсингта кир, нега
қоқкан қозиқдай
қотиб қолдинг, —
деб мени йўлидан
итариб четга чиқарди. Кейин ўйласам,
қўрқанимдан останада туриб қолган эканман.

Эшикнинг тутқичини ушлаб турибману,
бошимда минг хил ўй-хаёл. Нега директордан
қўрқаман? Нега дарсга киромлай муаллимдан ҳам
қўрқиб турибман? Ҳозир эшик шарт очилса,
тутқич қарсиллаб миямга тегса керак, кейин
албатта қон чиқади. Мен шилқ этиб йиқиламану,
хушимдан кетаман. Муаллим мени кўриб шошиб
қолади. Эшикни бекор очибман, деб роса афсус
қилади. Ҳамма менинг атрофимда парвона бўлади.
Ҳатто, ҳалиги кибор Маҳмуд ҳам рўмолгасини
хўллаб келиб, пешонамга босади. Директор бўлса



КИЧНИНГ ОДДИЙ БИР КУНИ

Ҳикоя

оппоқ, ҳаммаёк ялангоч. Бунинг устига янги йил...
Қичқиргим келади, қорда думалагим, уни юзимга
босгим келади. Ҳа, ўтган куни қайсицир муллым
шундай деганди: “Инсононги мавжудот, у ҳар бир
ишини акл билан ўйлаб қилиши керак”. Мен акл
билан ҳисоблашмай қичқирсам, қорда роса
думаласам, анову иссиқ-иссиқ кийимларга ўраниб
олган, шошиб-пишиб юрган одамлар нима деб
йўларкин! Биламан, “жинни дейди. Қани энди
буғун ҳеч ким мента ҳалакит бермаса. Бир кунгина
тинч қўйиши, мени. “Ҳозир дарсга бормасамми?”
деган хаёл кечди миямдан. Йўқ бормасам
бўлмайди. Кейин ўзимга қишин бўлади.

III

Мактаб останасига қадам қўйишим билан
директорга рўбарў келдим. Қўрқиб кетдим. Бутун
ўй-хаёлим учбি кетди. Вужудим жимирилаб ички
бир қалтироқ тутди мени. Секингина салом бердим.

III

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚўМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августрдан «Ленин учкун»
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг маизилгоҳ:
700083, ТОПКЕНТ ШАХРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ-32 УЙ
Напр кўрсаткичи: 64563



Суюклигимиз НИШОНАХОН!

Сенинг ҳаётнингдаги улуғ айёларингдан бирни — бўшга тўлшининг арафасида дунёдаги жамаки яхши тилакларни тилаймиз. Доимо соғ, барка-мол бўл. Бахт, омад, кулгу сенинг доимий ҳамроҳинг бўлсин!

Сенга эзгу ниятлар билдириб:

ОТА-ОНАНГ ВА
АКАЛАРИНГ.
Тоҳондадарё вилояти,
Бекобод тумани,
“Тақачи” қишлоғи.

Табриклиймиз!



Бош муҳаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
С. БАНОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ / масъуя котиб/,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г – 751. 16273 нусхада босилди. Ҳажми – 1 босма табоқ. Оффсет усулида босилган. Қозоғ бичими А – 3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6